Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Бахтиёр Саидов Токиода Япониянинг Onodera User Run компанияси президенти Жун Като билан учрашди. Учрашувда компаниянинг Ўзбекистон фуқароларини Японияда иш билан таъминлашга қаратилган лойиҳалари муҳокама қилинди. Бахтиёр Саидов Ўзбекистон томони ушбу ташаббусларни қўллаб-қувватлашини билдирди.

Ўзбекистон ва АҚШнинг радиация ва ядро хавфсизлиги соҳасидаги тартибга солиш органлари ўзаро англашув меморандумини имзолади. Ҳужжат лицензиялаш ва инспекциядан тортиб, ядровий авариялларга тайёргарлик ҳамда мутахассислар малакасини оширишгача бўлган қатор йўналишларда ҳамкорликни кенгайтиришни назарда тутади.

Yurt taraqqiyoti yo‘lida birlashaylik!

Ishonch

2026-yil, 19-sentabr, shanba
№115
(5335)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan — O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri



Мурожаат ҳал этилди

Алижон АБДУСАТТОРОВ
«ISHONCH»

«Қоқилган ҳамма эшиклар ҳам очилавермас экан...». Бу ҳақиқатни Жиззах вилояти Зарбдор тумани «Янгикент» маҳалласида яшовчи Шаҳноза Тешабоева бир неча ташкилотларга қилган мурожаатлари эътиборсиз қолдирилганида чуқур англаб етди. Чунки унинг тураржойи томини таъмирлаш борасидаги илтимосларига ҳеч ким қулоқ тутмади.

Муаммолар гирдобида қолган аёл Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг хотин-қизлар муаммолари бўйича 1211 рақамли «Ишонч телефони»га қўнғироқ қилди. Унинг мурожаати тезкорлик билан тегишли идораларга йўналтирилди ва муаммо ижобий ҳал этилди. Бир нафар вояга етмаган фарзандни ёлғиз тарбиялаётган она кўрсатилган амалий кўмакдан ғоят мамнун бўлди.

Кўча обод бўлди

Умид ХУДОЙҚУЛОВ
«ISHONCH»

Кармана туманидаги «Катта Мачит» МФЙ кўчаларидан бири узоқ вақтдан буён аҳолига ноқулайлик туғдириб келаётган эди. Кириш жойи махсус техника ёрдамида қазилган, аммо кейинчалик тикланмаганди. Оқибатда ёзда чанг, қишда лой кўча муаммоси аҳолининг одатий ташвишига айланганди. Уларнинг масалани ҳал этиш мақсадида тегишли идораларга қилган мурожаатлари зое кетаётганди.

Ушбу маҳаллада яшовчи Ҳикоят Рўзиева Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг хотин-қизлар муаммолари бўйича 1211 «Ишонч телефони»га сим қоқди.

Мурожаат белгиланган тартибда ўрганилиб, йўлни таъмирлаш юзасидан амалий чоралар кўрилди. Натижада у обод кўчага айланди. Эндиликда аҳоли тоза ва равон йўлдан фойдаланиш имконига эга бўлди.

Фуқаронинг дарди эшитилса, муаммо ўрганилса ва ечими таъминланса, ишонч пайдо бўлади. Ишонч эса жамиятдаги очиқ мулоқот ва ҳамкорликнинг энг муҳим пойдеворидир. «Катта Мачит»даги обод кўча ана шу ишончнинг амалий ифодасидир.





МАЖБУРИЙ МЕҲНАТГА ЙЎЛ ЙЎҚ!

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида 2026 йилги пахта йиғим-терими мавсумида теримчилар учун шарт-шароитлар яратилиши, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик юзасидан Миллий мониторингни ташкил этиш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида брифинг ўтказилди. Унда марказий студиядан Федерация раҳбарияти, масъул ходимлари, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси вакиллари иштирок этдилар. Ҳудудий студиялардан эса худди шу ташкилот-идоралар масъуллари қатнашди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ
«ISHONCH»

Федерация раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимизда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётгани, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга қаратилган тизимли ишлар олиб борилаётганини эътироф этди.

Таъкидланганидек, мажбурий ва болалар меҳнатига қарши курашиш борасида қонунчиликда жавобгарлик чоралари кучайтирилди. Миллий қонунчиликни дунёда тан олинган меҳнат стандартларига мувофиқлаштиришда халқаро ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди. Сўнгги ўн йилда Халқаро меҳнат ташкилотининг 12 та конвенцияси ва 1 та протоколи ратификация қилинди.

– Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан бир неча йилдан буён фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда пахта йиғим-терими мавсумида теримчилар учун муносиб меҳнат, яшаш ва дам олиш шароитларини яратиш, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик юзасидан Миллий мониторинг ўтказиб келинмоқда, – деди Бахтиёр Маҳмадалиев. – Жорий йилгиси 25 сентябрдан 31 октябрга қадар ўтказилади. Бундан кўзланган асосий мақсад мажбурий меҳнатдан фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш учун жамоатчилик назоратини амалга оширишдир.

Мониторинг жараёнида Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси томонидан тайёрланган «2026 йил пахта ҳосилини нест-нобуд қилмасдан, уюшқоқлик билан йиғиб-териб олишга кўмаклашишни ташкил этиш бўйича тавсиялар»га риоя этилиши ҳам ўрганилади.

Мониторингни ташкил этиш учун ҳудудий гуруҳлар тузилиб, улар таркибига тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашларининг масъул ходимлари, ҳудудий кенгашлар меҳнат техник инспекторлари, Савдо-саноат палатаси ва ЎзНҲТМАнинг жойлардаги аъзо ташкилотлари вакиллари киритилди. Гуруҳлар махсус кийим-бош ва пойабзал, раҳбарлар эса планшетлар билан таъминланди.

Меҳнат ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишга қаратилган «Қайта алоқа механизми» мавсум давомида кеча-ю кундуз ишлайди. Федерация ва ҳудудлардаги филиалларда доимий навбатчилик ташкил этилди. Мурожаатлар 1092 қисқа рақамли «Ишонч телефони», интернет сайтлари ва Telegram орқали қабул қилинади. Аҳолини хабардор қилиш учун 200 та баннер, 10 минг дона постер ва 200 минг дона флаер тайёрланди.

Тегишли вазирлик ва ташкилотлар мутасаддилари сўзга чиқиб, ўз йўналишлари бўйича маълумотлар беришди.

ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИ

Умида ШОДИЕВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири



Бухоро солиқ техникумида ёшлар билан учрашув ўтказилди. Унда Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти кенгаши мутахассиси Б.Эсанов ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Д. Амруллаев иштирок этдилар.

Мулоқот аввалида ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, улар учун яратилаётган имконият ва шароитлар ҳақида фикр юритилди. Шунингдек, касаба уюшмаларининг ёшлар билан ишлаш йўналишидаги фаолиятига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Хусусан, ўқувчи-талабаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, таълим олиши ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этишига кўмаклашиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумотлар тақдим этилди.

Мулоқот жараёнида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш баробарида таклифларини ҳам билдирдилар. Бундай очиқ ва самимий мулоқотлар улар учун муҳим эканини таъкидлаб, тавсиялардан келгусида самарали фойдаланишларини қайд этдилар.

Шубҳасиз, ёшлар билан бундай учрашувларнинг мунтазам ташкил этилиши уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий ва касбий билимларини янада бойитиш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш ҳамда жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ИККИ КУНЛИК ТАШРИФ БИЛАН ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛИБ ТУРИБДИ.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТАРАҚҚИЁТИДА ЯНГИ САҲИФАЛАР

Ташриф тафсилотлари қисқа сатрларда:

Сафарни бошлашдан аввал мамлакатимиз етакчиси атоқли давлат ва жамоат арбоби Каллибек Камаловнинг хонадонига ташриф буюрди. Қуръон тиловатидан сўнг марҳум ҳаққига дуо қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туманидаги «ADM Agro» корхонасининг саноатлашган интенсив боғида йўлга қўйилган замонавий аграр тажрибани кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистонга ташрифи давомида «Кегейли барака насли парранда» корхонасида бўлди. Президентимиз бундай мажмуалар келгусида йирик паррандачилик холдингларига айланиб, нафақат янги, балки юқори маошли иш ўринларини яратишга хизмат қилиши кераклигини қайд этди, мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Шавкат Мирзиёев Кегейли туманида ташкил этилган иссиқхона мажмуаси фаолияти билан яқиндан танишди. Мазкур лойиҳа қишлоқ жойларда тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.Тадбиркорларнинг ўз ютуқларини жамият фаровонлиги билан боғлаб, одамлар олдидаги масъулиятини ҳис этаётгани алоҳида эътироф этилди.

Президентимиз Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи чоғида Нукус туманидаги «Дийқан арна» маҳалласида бўлиб, аҳоли учун яратилган шароитлар билан танишди, ҳудуд фаоллари, нуронийлар ва ёшлар билан самимий мулоқот қилди.


Президент Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон илмий-амалий тиббиёт академияси фаолияти билан танишди.

Президент Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи доирасида янги лойиҳаларни ишга тушириш ва қурилишига старт бериш маросимида иштирок этди.

Маросим доирасида 592 миллион долларлик 11 та лойиҳа ишга туширилди ҳамда хорижий ҳамкорлар иштирокида амалга ошириладиган 7 миллиард долларлик 47 та янги лойиҳа қурилишига старт берилди. Уларнинг ҳисобига 8 мингта юқори даромадли иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи тафсилотлари билан батафсил қуйидаги ҳавола орқали танишинг:

https://t.me/ishonchuz_official
facebook.com/ishonchofficial.uz
ishonch1991@yandex.uz
www://
www.ishonch.uz



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ижроия қўмитасининг 2026 йил 14 сентябрдаги 3-41«с»-сон қарори билан касаба уюшмалари тизимида фаолият юритаётган ходимлар ўртасида **«МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ БИЛИМДОНИ» республика танлови ўтказилмоқда.**

Танловнинг асосий мақсади — касаба уюшмалари тизими ходимларининг меҳнат ҳуқуқи соҳасидаги билим ва амалий кўникмаларини ошириш, меҳнат тўғрисидаги қонунчилик нормаларини тўғри қўллаш, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги салоҳиятини янада мустаҳкамлашдан иборат.

Танловда бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари, тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари ҳамда Федерация аппарати ходимлари иштирок этиши мумкин.

Танлов икки босқичда ташкил этилади.

БИРИНЧИ БОСҚИЧ — саралаш босқичи. У 2026 йил 5-10 октябрь кунлари махсус электрон платформа орқали онлайн шаклда ўтказилади.

Танлов платформаси: https://tanlov.kasaba.uz

Платформа иштирокчилар учун 2026 йил 5 октябрь соат 00:00 дан фаоллаштирилади. Саралаш босқичида иштирокчиларга меҳнат ҳуқуқига оид 30 та тест саволи тақдим этилади ва уларни бажариш учун 30 дақиқа вақт ажратилади. Ҳар бир тўғри жавоб 1 балл билан баҳоланади. Якуний натижалар бўйича энг юқори балл тўплаган 30 нафар иштирокчи республика босқичига йўлланма олади.

ИККИНЧИ БОСҚИЧ — РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ. У 2026 йил 14–16 октябрь кунлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси биносида ўтказилади. Республика босқичида ҳар бир иштирокчи билет асосида 2 та назарий савол ва 1 та амалий казус бўйича ўз билими ва ҳуқуқий таҳлил қилиш кўникмаларини намойиш этади. Узрли сабабларга кўра танловда бевосита иштирок этиш имконияти бўлмаган иштирокчиларга Республика комиссиясининг рухсати билан видеоконференцалоқа орқали иштирок этиш имконияти берилиши мумкин.

Танлов ғолиблари қуйидаги қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади:

I ЎРИН — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги санаторийлардан бирига **икки кишилик йўлланма**;

II ЎРИН — ноутбук;

III ЎРИН — планшет.

Республика босқичининг бошқа иштирокчилари ҳам махсус сертификатлар билан тақдирланади.

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИНИ ЯХШИ БИЛАСИЗМИ? ЎЗ БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ!

2026 йил **5 октябрдан бошлаб https://tanlov.kasaba.uz** электрон платформаси орқали танловда иштирок этинг ва **«Меҳнат ҳуқуқи билимдони»** бўлиш учун ўз салоҳиятингизни намоён қилинг!

САРҲИСОБ

ҚУВОНЧЛИ ВА МАЗМУНЛИ

Бу мавсумда ҳам «Навоий кон-металлургия комбинати жамғармаси» давлат муассасаси тасарруфидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида минглаб ўғил-қизлар мазмунли ҳордиқ чиқаришди



Мавсум давомида белгиланган вазифалар асосида болаларнинг хавфсизлигини таъминлашга, соғлиғини асрашга ва бўш вақтларини мазмунли ўтказишга алоҳида аҳамият қаратилди. Жами 11 та оромгоҳда тўрт мавсум давомида 12 минг 422 нафар бола соғломлаштирилди. Шундан олтита стационар оромгоҳда 11 минг нафардан зиёд бола дам олди. Шаҳар ичидаги кундузги оромгоҳлар, меҳнат ва дам олиш масканларида ҳам юзлаб болалар ҳордиқ чиқарди.

Ҳар бир оромгоҳда малакали тиббиёт ходимлари навбатчилик қилдилар, тез тиббий ёрдам машиналари бириктирилди. Овқатланиш сифати ва ичимлик суви мунтазам назоратда бўлди. Эътиборлиси, заҳарланиш, юқумли касалликлар ёки фавқулодда ҳолатлар қайд этилмади. Бу болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги чора-тадбирлар самарали йўлга қўйилганидан далолат беради.

«Паҳлавон», «Болажон», «Келажак», «Сўғдиёна», «Сармиш», «Зарафшон» каби стационар, «Булбулча», «Юлдуз», «Табассум» кундузги ҳамда «Машъал», «Ёшлик» меҳнат ва дам олиш оромгоҳларида болалар учун турли дастурлар ташкил этилди. Дам олиш спорт ва ижодий машғулотлар билан уйғунлаштирилди. Болалар шахмат ўйнадилар, кулолчилик сирларини ўргандилар, компьютер саводхонлигини оширдилар. Тил ўрганиш ва китобхонлик машғулотларида иштирок этдилар. Бу жараёнга юздан зиёд педагог ва мураббийлар жалб этилди.

Оромгоҳлар фақат ҳордиқ чиқариш жойи бўлиб қолмади, у ерларда болалар жамоада ишлашни, бир-бирини қўллаб-қувватлашни, масъулиятни ҳис қилишни ҳам ўргандилар. «Ёш қутқарувчи», «Заковат», «Қувноқ стартлар», «Дўстлик ҳафталиги» каби тадбирлар уларда жамоавийлик ва дўстлик туйғуларини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

2026 йил «Болажон» ва «Сармиш» оромгоҳлари учун ҳам алоҳида аҳамиятли бўлди. Ташкил этилганига 65 йил тўлган ушбу масканларда шу пайтгача минглаб ўғил-қизлар ҳордиқ чиқарди.

Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройида ёзги мавсум якунларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда Навоий кон-металлургия комбинати раҳбарияти, корхона касаба уюшмаси кенгаши ҳамда «НКМК жамғармаси» давлат муассасаси вакиллари, оромгоҳлар масъуллари ва ташкилотчилар қатнашдилар. Шу жараёнда мавсум якунлари сарҳисоби тингланди ва оромгоҳлар фаолияти бўйича ўтказилган кўрик-танлов натижалари эълон қилинди. Навбаҳор туманидаги Сармишсой дарасида жойлашган «Сармиш» болалар оромгоҳи биринчи ўринни эгаллади. Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманида жойлашган «Болажон» оромгоҳи иккинчи, Бўстонлиқ туманидаги Чорвоқ сув ҳавзаси бўйида жойлашган «Паҳлавон» оромгоҳи учинчи ўринларни қўлга киритди.

Тадбирда ғолиб оромгоҳлар ва мавсумни юқори савияда ташкил этишга муносиб ҳисса қўшган фаоллар муносиб тақдирланди. Анжуман доирасида кўргазмалар ҳам ташкил қилинди. Унда болаларнинг қўл меҳнати ва ижодий ишлари намойиш этилди.

«Навоий кон-металлургия комбинати жамғармаси» давлат муассасаси тасарруфидаги оромгоҳлардаги ҳар бир мавсум эзгу мақсадларда ўтказилмоқда.

СЕМИНАР

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Бухоро тумани кенгаши томонидан бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари раислари учун амалий семинар ташкил этилди.

Абира ИМОМОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мутахассиси

МУҲИМ МАЪЛУМОТЛАРГА БОЙ

Соҳа ходимларининг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш ва касаба уюшмалари фаолиятини замон талаблари даражасида самарали ташкил этишни мақсад қилган бу тадбирда «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун, Меҳнат кодекси, шунингдек, бош, тармоқ ва ҳудудий жамоа келишувларининг мазмун-моҳияти ҳақида сўз борди. Иштирокчиларга ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан меҳнат муносабатларини тартибга солишда унумли фойдаланиш бўйича тавсиялар берилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IX Қурултойида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, бошланғич ташкилотларда иш юритиш ва ҳужжатлар билан ишлаш тартиби, мурожаатларни кўриб чиқиш ҳамда йиғмажилдлар номенклатурасини шакллантириш бўйича амалий ёрдам кўрсатилди. Жамоа шартномалари ижросини таъминлаш ва уларнинг муҳокамасига бағишланган умумий йиғилишларни юқори савияда ўтказиш, корхона ва муассасаларда меҳнат самарадорлигини ошириш, ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

– Семинар биз учун манфаатли бўлди. Унда педагог ходимларнинг меҳнат фаолияти, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга оид кўплаб муҳим саволларимизга аниқ жавоб олдик, – дейди бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти раиси Дилбар Аллақулова.

Тадбир доирасида барча бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларига янгича формати ва дизайни билан ажралиб турувчи «Касаба уюшмаси бурчаги» кўргазма стендлари топширилди. Улар ходимларга меҳнат ҳуқуқлари, соҳага оид янгиликлар ва касаба уюшмаси аъзолари учун яратилган имтиёзлардан фойдаланиш бўйича маълумотларни етказишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

ЗАКОВАТ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши томонидан бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари раисларининг билим ва малакасини ошириш, ўзаро тажриба алмашиш ҳамда интеллектуал салоҳиятини юксалтириш мақсадида «Касаба билимдони» интеллектуал ўйини ўтказилиб келинмоқда.

Шоҳсултон ТЎХТАМАТОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

ЗУККОЛАР БАҲСИ

Навбатдаги беллашув Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси вилоят бирлашган қўмитаси тизимида ўтказилди. Унда ўнта жамоа ғолиблик учун курашди. Қизғин ва муросасиз кечган баҳслар бир неча шартларни қамраб олди. Жамоалар тест саволларига жавоб бериш, расмли мантиқий саволларни топиш, кино парчалари орқали фильмларни аниқлаш борасида маҳоратларини синаб кўришди. Шунингдек, меҳнат қонунчилигига оид мантиқий саволлар иштирокчилар учун алоҳида синов вазифасини ўтади.

– Тадбирда иштирокчилар ўзларининг дунёқараши, зукколиги ва билим олишга бўлган қизиқишларини намоён этишди, – дейди Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти бирлашган қўмитаси раиси Манзурахон Акромова. – Энг муҳими, бундай баҳслар касаба уюшмаси фаолларининг касбий билимларини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, уларни янги билимларни эгаллашга, изланишга ва ўз устида мунтазам ишлашга ундайди.

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ...

УЛАРГА ЖАЗО КУЧАЙТИРИЛГАНИ РОСТМИ?

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

САВОЛ: Аҳоли саломатлиги ва генофондига қарши жиноятлар бўйича қонунчиликка ўзгартишлар киритилибди. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Нурмат ЖАСУРОВ
Самарқанд вилояти

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 11 июндаги ЎРҚ-1151- сонли қонуни билан Жиноят кодекси, Жиноят- процессуал кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, улар «Аҳоли саломатлиги ва генофондига қарши жиноятлар» номли янги боб билан бойитилди.

Мазкур қонун қабул қилинишидан кўзланган мақсад энг хавфли жиноятлар учун жазо чораларини янада кучайтиришдан иборат. Жумладан, ғайриқонуний нарколаборатория ташкил этиш, гиёҳвандлик моддаларини кўп миқдорда сотиш учун энди 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланмоқда.

Бу турдаги жиноятларда иштирок этган мансабдор шахсларга нисбатан ҳам қатъий жазо тайинланиши кўзда тутилган. Масалан, гиёҳвандлик воситаларининг, психотроп моддаларнинг қонунга хилоф муомаласини амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятга ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш йўли билан ҳомийлик қилиш ёхуд бундай фаолият фош бўлишининг олдини олиш мақсадида хизмат фаолияти юзасидан ўзига маълум бўлган маълумотлар ҳақида хабар бериш учун айбни оғирлаштирадиган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилиши мумкин.

Ушбу тоифадаги бир қатор ўта оғир жиноятлар учун тайинланган жазолардан шартли равишда муддатидан олдин озод қилиш ва жазонинг қолган қисмини енгилроғи билан алмаштириш тартиби бекор қилинди.

Гиёҳвандлик ва психотроп моддаларни жамоат жойларида истеъмол қилганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланиб, 15 суткагача қамоқ жазоси қўлланиладиган бўлди.

Гиёҳвандлик ва психотроп моддаларни интернет тармоқлари орқали, шунингдек, таълим муассасалари ҳудудларида ва ётоқхоналарда тарқатганлик учун 5 йилдан 10 йилга қадар озодликдан маҳрум қилиш жазоси берилиши кўзда тутилмоқда.

Гиёҳвандлик воситаларини вояга етмаган шахсларга сотиш ёки ўтказиш энди айбни оғирлаштирадиган ҳолат, деб эътироф этилади. Ёш болаларни гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилишга жалб қилиш, айниқса, бу оғир оқибатларга олиб келса, айбдор шахсларнинг узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинишига сабаб бўлади.

ЁШЛАР ОВОЗИ



БИЛИМ АМАЛИЁТ БИЛАН МУСТАҲКАМ

Ҳар ҳафтанинг пайшанба куни мамлакатимизда «Ёшлар куни» деб эълон қилингани навқирон авлод билан самимий мулоқотларни янги босқичга олиб чиқди. Хусусан, касаба уюшмалари тизимидаги раҳбарлар ва масъул ходимлар шу куни ёшлар билан юзма-юз ўтириб, уларнинг мурожаатлари ва таклифларини тинглаши анъанага айланди.

Дилнавоз САИДОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Мулоқотлар чоғида бизнес соҳасига, ўз ҳунармандчилиги ва ишлаб чиқаришини йўлга қўйишга иштиёқманд йигит-қизлар кўплиги аён бўлди. Энг муҳими, учрашувларда келажак тадбиркорларига йўл-йўриқлар кўрсатиш ва амалиёт сирларини ўргатиш ғояси туғилди.

Юзга яқин интилувчан ёшларнинг Гулистон шаҳрида жойлашган «Зиннур» кўп тармоқли корхонасига ташрифи ҳам уларни истиқболга йўналтиришда муҳим қадам бўлди. Тадбирнинг биринчи қисми корхонадаги иш жараёнлари бўйлаб саноат саёҳати билан бошланди. Чунки амалиёт билан боғлиқ билим мустаҳкам бўлади.

Ёшлар маҳсулот тайёрлашнинг ҳар бир босқичи, хомашёни қайта ишлашдан тортиб, тайёр маҳсулотни қадоқлаш ва сотувга чиқаришгача бўлган технологик занжирни ўз кўзлари билан кўрдилар. Корхонадаги ишчи-ходимлар учун яратилган замонавий шарт-шароитлар, меҳнат муҳофазаси ва юқори ишлаб чиқариш маданияти уларда катта таассурот қолдирди.

Қизиқарли танишувдан сўнг «Фаол тадбиркор» кўкрак нишони соҳиби Ғуломжон Ғоипов иштирокида маҳорат сабоғи ўтказилди. У ўз ҳаёт йўли, бизнесни нолдан бошлаб, бозорда ўрнини топишгача бўлган машаққатли ва самарали фаолияти ҳақида сўзлаб берди.

САНЪАТ

Алибек САТТОРОВ

САҲНАДА «ТЎДА»


Жиззах вилояти мусиқали драма театрида 105-мавсумнинг очилишига бағишланган кеча ташкил қилинди. Санъат усталари, томошабинлар ва ОАВ вакиллари иштирок этган ушбу тадбир аввалида ижодий жамоанинг тарихи, бугуни, эришаётган ютуқлари ҳамда истиқболдаги режалари хусусида сўз юритилди. Сўнгра йиғилганлар эътиборига «Тўда» спектакли ҳавола қилинди.

Мавсумнинг илк саҳна асарида аср иллати ҳисобланмиш гиёҳвандлик ва унинг оқибатлари ҳақида сўз юритилган. Фикримизча, драматург Насрулло Қобил қаламига мансуб ушбу асарни режиссёр Илҳом Нормаров муваффақиятли саҳналаштира олган. Актёрлар ҳам ўз ролларини маҳорат билан ижро этишган. Ижодий жамоа томошабинларни, жумладан, ёшларни гиёҳвандликнинг салбий оқибатларидан огоҳлантиришдек муҳим вазифанинг уддасидан чиққан, десак, хато бўлмайди.

Батафсил маълумот олиш учун «Ishonch»нинг Телеграм каналига ўтинг:



ХОДИМЛАР ҚАЧОН ИШДАН БИР СОАТ ЭРТА КЕТИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА БЎЛАДИ?



ПЕДАГОГЛАРНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ УЧУН КОНТРАКТ ТЎЛОВИГА 30 ФОИЗ ЧЕГИРМА БЕРИЛАДИ

Жаҳонгир НАҲАНОВ
«ISHONCH»

БИРИНЧИ ЗАРБДА ТИЗЗАГАЧА...

Россия ва НАТО эҳтимолий тўқнашувни тўхтата оладими?



ШАРҲ

Бир неча йил аввал Россия ва НАТО ўртасидаги уруш фақат назарий хавф сифатида кўриларди. Бугун эса бу эҳтимол ҳарбий штаблар харитасига кўчди. 2026 йил июлида Анқарада бўлиб ўтган НАТО саммитида Россия Евро–Атлантика хавфсизлиги ва барқарорлигига узоқ муддатли таҳдид сифатида баҳоланди. Европа ҳукуматлари мудофаа харажатларини оширяпти, альянс шарқий қанотини мустаҳкамлаяпти. Россия ва НАТО учоқлари ҳамда кемалари хавфли даражада яқинлашмоқда. Ҳар икки томон урушни истамаслигини таъкидлаяпти. Аммо ҳар ким ўз қадамини мудофаа, рақиб ҳаракатини эса таҳдид деб қабул қила бошласа, яхши ниятнинг ўзи камлик қилар экан.

Дунё ахборот воситаларини кузатарканман, сўнгги пайтларда бир-бирига зид икки манзарага кўп бор дуч келяпман: расмийлар яқин орада рўй бериши мумкин бўлган уруш хавфини рад этишаётган бўлишса-да, ҳарбийлар унга тайёргарликни тобора кучайтиришяпти. Август охирида НАТОнинг исми ошкор этилмаган расмийси Reuters агентлигига альянс ҳозирча Россия ҳужуми билан боғлиқ бевосита таҳдидни кўрмаётганини айтди. Шу билан бирга, иттифоқчилар ҳушёрликни сусайтирмай, турли хавфларга жавоб беришга тайёрланаётганини таъкидлади.

Демак, уруш сценарийси ҳарбий режаларга киритилган, аммо НАТОнинг ҳозирги тахминига кўра, яқин орада юз берадиган муқаррар таҳдидга айланганича йўқ. Шундай бўлса-да, Европа ва Россия сиёсатчилари нутқида уруш мавзуси тобора кескинроқ янграяпти. Украинадаги уруш Россия билан Европа ўртасидаги сиёсий ихтилоф доирасидан чиқиб, Россия–НАТО қарама-қаршилигига айланди. Европа мамлакатлари ва АҚШ Киевга қурол-яроғ, маблағ, ҳарбий тайёргарлик, алоқа воситалари ва разведка маълумотларини беряпти. Москва эса ушбу кўмакнинг айрим шаклларини Ғарбнинг урушдаги амалий иштироки дея талқин қилмоқда.

«Россия ва Европа» деган умумий таъриф ҳодиса кўламини тўлиқ очиб беролмайди. Европада ягона армия ва ягона ҳарбий қўмондонлик йўқ. Қитъадаги давлатларнинг аксарияти НАТО аъзоси, альянснинг ядровий тийиб туриш тизими эса, энг аввало, АҚШ стратегик кучларига таянади. Буюк Британия ва Франция ҳам ўз ядровий арсеналига эга. Франция Европа Иттифоқидаги ягона ядровий давлат бўлса, Буюк Британия Иттифоқдан ташқарида, аммо НАТОнинг Европа қанотида муҳим ўрин тутади. Шу боис НАТО аъзоси бўлган бирор Европа давлати билан Россия ўртасидаги йирик инқироз тез орада Россия–НАТО, кейин эса Россия–АҚШ қарама-қаршилигига айланиб кетиши мумкин.

Бироқ бу белгиларнинг ўзи уруш муқаррарлигини англатмайди. Россия билан 1300 километрдан зиёд чегарага эга Финляндия эҳтимолий тўқнашув оқибатини Европанинг кўплаб давлатларидан кўра яхшироқ ҳис қилади. Мамлакат президенти Александр Стубб август ойи охирида Bild нашрига берган интервьюсида Россия НАТОга ҳужум қилишга тайёрланаётганини билдирувчи далилларни кўрмаётганини айтди. Унинг фикрича, Москва учун дунёдаги энг йирик ҳарбий иттифоқ билан урушиш ҳарбий мантиққа зид.

Бу қараш НАТОнинг умумий ҳарбий қудратига таянади. Демак, альянснинг оддий қуроллар, ракета ва ядровий кучлардан иборат салоҳияти эҳтимолий ҳужум учун жуда катта бадал тўланишини англатади. Қолаверса, Россия Украина фронтида аста-секин илгарилаётган бўлса-да, бу катта йўқотишлар ҳамда улкан ҳарбий ва иқтисодий ресурслар эвазига кечяпти.

Москва вазиятга бошқача баҳо беради. Владимир Путин 11 сентябрь куни Россия Европага таҳдид солаётгани ҳақидаги гап-сўзларни яна бир бор рад этди. У Ғарб давлатларини ўз фуқароларини мавжуд бўлмаган хавф билан қўрқитишда айблади. Россия раҳбари бугунги инқирозни НАТОнинг кенгайиши ва Украинани Ғарб хавфсизлик тизимига қўшиш ҳаракати билан изоҳлаб келяпти.

Манзара ўта зиддиятли. Москва Европага ҳужум қилиш режаси йўқлигини айтяпти. НАТО расмийлари ҳам ҳозирча бевосита хавфни кўришмаяпти. Россия билан узун чегарага эга Финляндия раҳбари ҳам урушни эҳтимолдан йироқ деб билади. Шунга қарамай, Европа тез суръатда қайта қуролланмоқда.

Германия мудофаа маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиряпти, НАТОнинг шарқий қанотидаги ҳарбий иштирокини кучайтиряпти, разведка ва алоқа тизимларига сармоя йўналтиряпти. 15 сентябрь куни Германия мудофаа вазири Борис Писториус ва унинг америкалик ҳамкасби Пит Хегсет ҳарбий-саноат ҳамкорлигини чуқурлаштириш тўғрисидаги битимни имзолади. Берлин АҚШнинг Tomahawk қанотли ракеталарини сотиб олишни ҳам режалаштирмоқда, бироқ эҳтимолий келишув шартлари ҳали муваффақиятга эришилгани йўқ.

Минтақа давлатларининг можарода ҳеч қайси томонга ён босмаслиги уларни бундай оқибатлардан ҳимоя қилмайди. Россия билан алоқалардаги ҳар бир узилиш Европага чиқиш имкониятларига, Ғарб билан муносабатлардаги ҳар бир кескинлик эса Россия йўналишидаги савдо ва миграцияга таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

НАТО Бош котиби Марк Рютте бу чораларни Россия ҳарбий-саноат салоҳияти тез тикланаётгани билан изоҳламоқда. У 10 сентябрь куни Берлинда европалик иттифоқчиларни мудофаа имкониятларини янада оширишга чақирди. Шу билан бирга, АҚШ НАТО ва Вашингтон шартномасининг 5-моддаси олдидаги мажбуриятларига содиқлигини тасдиқлади.

5-моддага кўра, альянс аъзоларидан бирига қилинган қуролли ҳужум барча иштирокчиларга ҳужум сифатида баҳоланади. Ҳужум юз берса, ҳар бир иттифоқчи БМТ Уставининг 51-моддасига асосланиб, жабрланган томонга ёрдам кўрсатади. Бироқ бу ёрдамнинг шакли ва қўламини, жумладан, қуролли куч ишлатиш-ишлатмасликни давлатнинг ўзи белгилайди. Бу тафовут очиқ тажовуз пайтида унчалик сезилмаслиги мумкин, аммо ҳодисанинг моҳияти ноаниқ бўлса, қарор қабул қилишни мураккаблаштиради.

Ҳарбий режалаштириш доимо эртанги кунга қараб тузилади. Унда давлатнинг бугунги нияти билан бирга, қўлидаги куч ва ресурслар, сарфлаган салоҳиятини қанча вақтда тиклаши ҳам ҳисобга олинади. Сиёсий мақсадлар ўзгариши мумкин. Яратилган ҳарбий қувват ва ишлаб чиқарилган қуроллар эса қолади.

Хавфнинг икки ўлчови бор – ният ва имконият. Ният давлатнинг бугун нима қилмоқчи эканини, имконият эса эртага нималар қила олишини кўрсатади. Стратегик ва халқаро тадқиқотлар маркази эксперти Жеффри Манкофф июль ойидаги маърузасида кўпроқ иккинчи жиҳатга урғу берди. Унинг қайд этишича, Россия ҳарбий салоҳиятини тиклаяпти ва иқтисодиётини узоқ давом этадиган қарама-қаршиликка мослаштиряпти. Шу боис Европа разведка хизматлари ва мудофаа идоралари Украинадаги уруш тугаса ёки музлатилса, куч тўплаган Россия қўшинлари НАТО давлатларига янги таҳдид солиши мумкин бўлган сценарийни ҳисобга олмоқда.

Европа Иттифоқи ва унга аъзо давлатлар Украинага кенг қўламли молиявий, ҳарбий ва гуманитар ёрдам кўрсатиб, Россияга қарши санкциялар жорий этяпти. Украина бюджети учун миллиардлаб евролик пакетлар, жумладан, 90 миллиард евролик кредит дастури ажратилди. Киевга артиллерия, зирҳли техника, ҳаво ҳужумидан мудофаа тизимлари ва ўқ-дорилар мустақил равишда ҳамда Европа тинчлик жамғармаси орқали етказиб берилмоқда, украиналик ҳарбийлар Европа давлатларида тайёргарликдан ўтяпти. 2026 йил ўрталарига келиб, ЕИ санкция пакетлари сони 20 тадан ошди. Улар Россия нефти, нефть маҳсулотлари, пўлат ва бошқа муҳим товарлар импортини чеклади, минглаб жисмоний ва юридик шахснинг активлари музлатилди. Бироқ бу қарама-қаршилик қанчалик чуқурлашмасин, ҳозирча Кремль НАТО билан уруш бошлашга қарор қилганини кўрсатувчи очиқ далиллар йўқ.

Қироллик бирлашган хизматлар институти таҳлилчиси Эмили Феррис ҳам ҳарбий режалаштириш билан ҳақиқий мақсадни бир-биридан ажратиш зарурлигини таъкидлайди. НАТО эҳтимолий тўқнашувга тайёрланяпти, аммо бу Россиянинг чекланган ҳужуми муқаррарлигини англатмайди. Хавф эса айнан тинчлик билан очиқ ҳужум ўртасидаги ноаниқ маконда тобора чуқурроқ илдиз отмоқда. Бу ноаниқ маконнинг энг кўринмас майдонларидан бири денгиз тубидан ўтади. Сентябрь ойида Reuters икки нафар ғарблик амалдорга таяниб, Буюк Британия, Норвегия ва АҚШ баҳорда Шпицберген яқинида Россиянинг сувости фаолиятини кузатгани ҳақида хабар берди. Манбага кўра, чуқур сув аппаратлари муҳим сувости кабелларини ишдан чиқариш имконини берувчи технологияни қўллашни машқ қилган. Бу даъвони тасдиқлайдиган очиқ далиллар йўқ. Москва эса НАТО давлатларига қарши қўпорувчилик ҳаракатларини режалаштираётганини рад этмоқда.

Норвегия мудофаа вазири Торе Сандвикнинг жавоби ҳам огоҳлантириш, ҳам кескинликни оширмаслик руҳида бўлди. У муҳим инфратузилмага қарши ҳар қандай уриниш аниқланиши ва жавобсиз қолмаслигини айтди. Шу билан бирга, Узоқ Шимолдаги эскалация ҳеч кимнинг манфаатига хизмат қилмаслигини таъкидлади. Тийиб туришнинг нозик мувозанати шунда – эҳтимолий рақиб жавоб муқаррарлигини англаши, аммо ортга чекиниш йўли ёпилмаганини ҳам кўриши керак.

15 сентябрь куни таранглик сув юзасида ҳам кўзга ташланди. Дания ҳарбийларининг маълумотига кўра, халқаро сувларда Россия фрегатини режа асосида тасвирга олаётган вертолёт томон иккита сигнал ракетаси учирилган. Улардан бири ҳаво кемасининг ёнгинасидан ўтиб кетган. Копенгаген Россия элчисини чақиртирди. Ҳодиса ортидан талқинлар тўқнашуви бошланди. Россия элчиси Владимир Барбин Дания вертолётларини ҳарбий кемалар яқинида хатарли ҳаракат қилганликда айблаб, норозилик нотасини топширди. Битта воқеа икки пойтахтда бутунлай қарама-қарши маънода талқин этилди.

Лейпциг–Ҳалле аэропортидаги дронлар билан боғлиқ можарода ҳам шу ҳолат такрорланди. Берлин ҳодиса ортида Россия турганини айтиб, уни эҳтимолий ҳужумга тайёргарлик билан боғлади. Москва айбловларни рад этди. Сергей Лавров Германия томонининг баёнотларини «ҳақиқий урушнинг бошланиши» деб атаб, канцлер Фридрих Мерцни қарама-қаршиликни кучайтиришда айблади.

Шу тариқа хавфсизлик дилеммаси юзага келяпти. НАТО қуролланишни Россия таҳдиди билан изоҳлаётган бўлса, Москва альянснинг кучайишини ўзига қарши тайёргарлик деб биляпти. Ҳар бир янги қадам қарши томонда янги хавотир уйғотади, ҳар бир хавотир навбатдаги ҳарбий чорага сабаб бўлади. Таъбир жоиз бўлса, бир томон кўтарган қалқон иккинчи томонга қиличдек кўринади.

Россия қўшинларининг Польша ёки Болтиқбўйи давлатлари ҳудудига кенг қўламда бостириб кириши сиёсий ноаниқликка ўрин қолдирмас эди. Аммо очиқ уруш деб баҳолаш қийин, шу билан бирга, жавобсиз қолдириб бўлмайдиган ҳодиса кўпроқ хавф туғдиради. Сувости кабелининг шикастланиши, дроннинг НАТО давлати ҳудудига қулаб тушиши, учоқ ёки кемалар тўқнашуви, ташкилотчиси аниқланмаган қўпорувчилик ҳаракати ҳукуматларни мураккаб танлов қаршисида қолдириши мумкин. Шошма-шошарлик билан берилган кескин жавоб эскалацияни кучайтиради.

Технологик тараққиёт тинчлик билан очиқ уруш ўртасидаги масофани торайтиряпти. Россия армияси Украинадаги амалиётда дронлар, разведка-зарба тизимлари ва юқори аниқликдаги қуролларни қўллаш бўйича катта тажриба тўплади. Қироллик бирлашган хизматлар институти тадқиқотчилари Сиддхарт Каушал ва Сэм Крэнни-Эвансниng қайд этишича, Россия бу тажрибани ҳарбий тизимига фаол сингдирмоқда. Эҳтимолий тўқнашувнинг дастлабки босқичида нишонларни тез аниқлаш ва уларга кенг қўламда юқори аниқликдаги зарбалар бериш қобилияти ҳал қилувчи аҳамият касб этиши мумкин.

НАТО ҳам ўз хулосаларини чиқармоқда. Европа давлатлари ҳаво ҳужумидан мудофаа тизимлари, узоқ масофали зарба воситалари, учувчисиз тизимлар, сунъий йўлдош алоқаси ва қўшинларни тез жойлаштириш имкониятларини ривожлантиряпти. Эҳтимолий тўқнашув чизиғининг ҳар икки томонида кучлар қанчалик кўп тўпланса, рақиб ниятини нотўғри баҳолашнинг бадали шунчалик оғир бўлади.

Ушбу тенгламада Америка Қўшма Штатлари алоҳида ўрин тутади. Европа хавфсизлиги ўнлаб йиллар давомида НАТО аъзоларидан бирига ҳужум қилинса, Вашингтон уни ҳимоя қилиш учун можарога қўшилади, деган ишончга таяниб келди. Бугун АҚШ Европа давлатларидан ўз мудофааси учун кўпроқ масъулият олишни талаб қилмоқда. Америка ҳарбий ресурслари эса Европа, Ҳинд – Тинч океани минтақаси ва бошқа стратегик йўналишлар ўртасида тақсимланяпти.

АҚШ билан Хитой ўртасидаги йирик инқироз Европадаги ҳарбий мувозанатни ўзгартириши мумкин. Америка ҳарбий кучлари ва қурол-яроғларининг катта қисми Тинч океанда зарур бўлиб қолса, европалик иттифоқчилар Россияни тийиб туриш вазифасини ўз зиммасига олишга мажбур бўлади.

Ҳозирга қадар гап оддий қуроллар билан кечиши мумкин бўлган тўқнашув ҳақида эди. Бироқ Россия ва НАТО ўртасидаги ҳар қандай урушда ядровий кўланка пайдо бўлиши эҳтимолини ҳам унутмаслик керак. Чунки бундай можаро бир вақтнинг ўзида тўрт ядровий давлат – Россия, АҚШ, Буюк Британия ва Франция уруш майдони марказига олиб киради.

Манзара ўта зиддиятли. Москва Европага ҳужум қилиш режаси йўқлигини айтяпти. НАТО расмийлари ҳам ҳозирча бевосита хавфни кўришмаяпти. Россия билан узун чегарага эга Финляндия раҳбари ҳам урушни эҳтимолдан йироқ деб билади. Шунга қарамай, Европа тез суръатда қайта қуролланмоқда.

Онгли равишда бошланадиган кенг кўламли ядровий уруш эҳтимоли ҳозирча паст. Томонлар бундай тўқнашув ҳеч кимни ғалабага олиб бормаслигини яхши тушунади. Биринчи бўлиб зарба берган давлат ҳам муқаррар жавобдан қутула олмайди. Арсеналнинг муайян қисми сувости кемалари, ҳаракатланувчи ракета мажмуалари ва мустаҳкам ҳимояланган объектларда сақланади. Шу боис рақибнинг жавоб зарбаси бериш имкониятини бир уринишда йўқ қилиш деярли имконсиз.

Раҳбарларни ядровий урушдан тийиб турадиган энг кучли сабаб – ўз давлати, халқи ва ҳокимиятини сақлаб қолиш истаги. Ядровий тўқнашув буларнинг барчасини хавф остига қўяди. Қолаверса, ядровий қурол 1945 йилдан бери жангда қўлланилмаган. Бу даврда уни ишлатишга қарши кучли сиёсий ва маънавий тўсиқ шаклланди. НАТО ҳужжатларида ҳам альянс ядровий қурол қўллашга мажбур бўлиши эҳтимоли паст баҳоланади. Россия доктринаси эса ядровий қуролни тийиб туриш воситаси, уни қўллашни фавқулодда ва мажбурий чора сифатида белгилайди.

Украинадаги урушда ёрдам бериш билан бевосита қатнашиш ўртасидаги чегарани томонлар турлича талқин қилишмоқда. Қурол етказиб бериш ва разведка маълумотини узатиш ҳарбий кўмакнинг нисбатан билвосита шакллари ҳисобланади. Нишон танлаш, ракетанинг парвоз дастурини тайёрлаш ва зарбани техник таъминлашда қатнашиш эса бевосита иштирок ҳақидаги баҳсни кучайтиради. Владимир Путин 2024 йилда Ғарбнинг узоқ масофали қуроллари билан Россия ҳудудига зарба бериш НАТО давлатларининг урушда бевосита қатнашиши сифатида баҳоланишини айтган эди.

НАТО ва Европа давлатлари эса Украинага қурол ҳамда разведка маълумотлари беришни мамлакатнинг ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқи билан асосламоқда. Албатта, Ғарб кўмаги Украина мудофаа қобилиятини сақлаб қолишда ҳал қилувчи ўрин тутаётганини инкор этиб бўлмайди. Европа етакчиларининг фикрича, ёрдам тўхтаса, Москвада куч ишлатиб мақсадга эришиш мумкин, деган ишонч кучайиши мумкин. Марк Рютте иттифоқчиларни «уруш даври тафаккури»га ўтишга чақирган. У кучли мудофаа ва юқори ҳарбий тайёргарлик эҳтимолий ҳужумнинг олдини олади, деб ҳисоблайди. Европа Иттифоқи етакчилари ҳам Украина армияси ва Европа мудофаа саноатини кучайтириш Москвани музокарага ундайди, деган фикрда.

Хавфсизлик дилеммаси ядровий масалада янада кескинроқ кўринишни бошлайди. Франция 2026 йил мартда ўз ядровий кучларини Европа мудофаасига кенгроқ жалб этиш режасини эълон қилди. Эммануэль Макрон зарурат туғилса, француз ядровий кучларининг бир қисми иттифоқчи давлатларга вақтинча жойлаштирилиши мумкинлигини, ядровий каллаклар сони ҳам оширилишини маълум қилди. Қуролни қўллаш ҳақидаги буйруқни фақат Франция президенти бера олади. Париж бу чоралар эҳтимолий рақибни тийиб туради, деб ҳисоблайди. Москва эса Россия чегараларига яқинлашган француз стратегик кучларини мувозанатни издан чиқарувчи қадам сифатида баҳолаши мумкин.

Ядровий хавф оммавий мунозарага ҳам қайтди. Такер Карлсон Ғарб ахборот муҳитини танқид қилиб, «Биз ядровий уруш остонасида турибмиз», деди. Бу баҳо экспертлар хулосаси ўрнини босмаса-да, жамоатчиликда хавф қанчалик кучли ҳис этилаётганини яққол кўрсатиб турибди.

Нотўғри талқин хавфи вақтнинг қисқалигидан келиб чиқади. Ҳужқушунослар бирор зарбада қайси давлат қай даражада иштирок этганини ҳафталаб ўрганиши мумкин. Ракета ҳужуми ҳақида огоҳлантириш олган раҳбарият ихтиёрида эса саноқли дақиқалар бўлади. Шу вақт ичида нишон, оқибат ва жавоб ҳақида қарор чиқариш керак.

Россия раҳбарияти бундай таҳдидларни баҳолашда ядровий доктринадаги шартларга таянади. 2024 йил 19 ноябрда янгиланган ҳужжат ядровий қурол қўллаш масаласи кўриб чиқилиши мумкин бўлган ҳолатлар доирасини кенгайтирди. Унга кўра, ядровий қуролга эга бўлмаган давлат Россия ёки унинг иттифоқчиларига ядровий давлат иштирокида ёхуд кўмагида ҳужум қилса, бу икки давлатнинг қўшма ҳужуми сифатида баҳоланади. Доктрина Россия ёки Беларусь суверенитети ва ҳудудий яхлитлигига ўта жиддий таҳдид соладиган анъанавий тажовузга жавобан ядровий қурол қўллаш имконини ҳам назарда тутади.

SIPRIнинг 2026 йил январь ҳолатига оид таҳлилларига кўра, дунёда 12 187 та ядровий каллак бор. Шуларнинг 9745 таси эҳтимолий қўллаш учун ҳарбий захираларда сақланмоқда, 4012 таси ракета ва учоқларга жойлаштирилган. Уларнинг 2100-2200 таси баллистик ракеталарда юқори жанговар ҳолатда турибди. АҚШ ва Россия ҳарбий захирадаги каллакларнинг қарийб 83 фоизига, дунёдаги жами каллакларнинг эса деярли 86 фоизига эга. Демак, Европа атрофидаги ҳар қандай жиддий инқироз инсоният ядровий салоҳиятининг асосий қисмига эгалик қилувчи икки давлат ўртасидаги мувозанатга бориб тақалади.

Ядровий қуролнинг зиддияти ҳам шунда. У катта урушни бошлашдан тийиб туради, аммо йўл қўйилган ҳар қандай хатонинг бадалини тасаввур қилиб бўлмас даражада оширади. Москва, Вашингтон, Лондон ва Париж ядровий зарба алмашишни истамайди. Лекин ҳар бири оддий ҳарбий можаро қайси лаҳзада ҳаётий стратегик манфаатларига таҳдид сола бошлашини ўзи белгилайди.

Қарама-қаршилик қай даражада кечмасин, унинг оқибати Европа чегараларидагина қолиб кетмайди. Россия ва НАТО ўртасидаги эҳтимолий тўқнашув Марказий Осиёни ҳам четлаб ўтмайди. Кўп бор таъкидлаганимдек, минтақа иқтисодиёти Россия билан савдо, транспорт, меҳнат миграцияси ва пул ўтказмалари орқали чамбарчас боғланган. Европа давлатлари эса минтақамизнинг муҳим бозори, сармоя манбаи ва технологик ҳамкори бўлиб қолмоқда. Кенг кўламли эскалация юк ташиш йўллари ва банк ҳисоб-китобларини издан чиқариши, ёқилғи, озиқ-овқат ҳамда ўғит нархларини ошириши, санкциялар босимини кучайтириши мумкин.

Минтақа давлатларининг можарода ҳеч қайси томонга ён босмаслиги уларни бундай оқибатлардан ҳимоя қилмайди. Россия билан алоқалардаги ҳар бир узилиш Европага чиқиш имкониятларига, Ғарб билан муносабатлардаги ҳар бир кескинлик эса Россия йўналишидаги савдо ва миграцияга таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Ана шундай бир шароитда минтақа давлатлари учун очиқ транспорт йўлакларини сақлаб қолиш ва ташқи босим остида ҳам мустақил қарор қабул қила олиш алоҳида аҳамиятга эга. Савдо йўналишлари, тўлов воситалари ва таъминот манбаларини кўпайтириш биз учун барқарорликнинг энг асосий шартларидан биридир.

Барча далилларни бир жойга жамласак, ҳозирги очиқ маълумотлар ҳеч бир томон катта урушни бошлашга қарор қилганини кўрсатмаётгани ойдинлашади. Хавф тайёр турган махфий режадан кўра, назоратдан чиқиши мумкин бўлган воқеалар занжирига кўпроқ боғлиқ. Ҳарбий зиддиятлар ортяпти, қарама-қаршилик майдони кенгаяпти, муҳим инфратузилма яширин кураш майдонига айланяпти. Европа қуролланяпти, Россия армияси ва иқтисодиётини узоқ давом этадиган қарама-қаршиликка мослаштиряпти, ўзаро ишончга путур кетган.

Бироқ катта урушлар катта қарорлардан бошланмайди. Баъзан биргина кичик баҳонанинг ўзи кифоя. Унга жавоб, жавобга эса қарши жавоб келади. Ҳар икки томон можарони тўхтатишдан кўра ўз қатъиятини кўрсатишга урина бошлайди. Шунда навбатдаги қадам зарурат, ортга чекиниш эса заифликдек кўринади. Исталмаган уруш ана шундай бошланади.

Бундай занжирни узиш учун алоқа каналлари очиқ қолиши, қарорларда вазминлик сақланиши, рақибга эса таҳқирланмасдан ортга чекиниш имкони берилиши керак. Бугун Россия ва НАТОга ҳам ана шу сиёсий идрок зарур. Ҳар бир қадамдан сўнг яна бир қадам қўйиш имкони бор деб ўйлаш – хавфли хомхаёл. Зеро, ядровий уруш остонасида қайси қадамдан сўнг ортга йўл қолмаслигини ҳеч ким олдиндан башорат қила олмайди.

Батафсил маълумот олиш учун «Ishonch»нинг Телеграм каналига ўтинг:



МИЯ СИГНАЛЛАРИНИ ЎҚУВЧИ НЕЙРОПРОТЕЗ ЯРАТИЛДИ



ЭЛЕКТРОМОБИЛЛАРГА ТАЛАБ ОРТМОҚДА

МУЛОҲАЗА

ТИББИЙЛАШАЁТГАН ТУЙҒУЛАР

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»

Биз жуда ғалати даврда яшаяпмиз. Замонавий жамият ва унинг ахборот муҳити инсондан ҳар сонияда мукаммал ва бенуқсон бўлишни талаб қилмоқда. Сиз ҳар доим қувноқ кайфиятда бўлишингиз, тинмай ишлашингиз, ҳеч қачон чарчамаслигингиз ва асло қайғуга ботмаслигингиз керак. Агар тўсатдан тушкунликка тушсангиз, заифлик кўрсатсангиз ёки ҳаётдан ҳафсалангиз пир бўлса, жамият буни оғир нуқсон деб қабул қилади. Ва шу ўринда саҳнага XXI асрнинг энг қудратли тижорий индустрияси – фармацевтика чиқиб келади.

Жаҳон ахборот майдонида бугун бонг урилаётган ва жамиятни ҳам шиддат билан қамраб олаётган энг оғриқли нуқта шундаки, инсониятнинг табиий ҳис-туйғулари, физиологик ва ёшга оид руҳий ҳолатлари аста-секин сунъий равишда бостирилмоқда, аниқроғи, тиббийлаштирилмоқда. Яъни одамзоднинг минг йиллардан бери давом этиб келаётган оддий табиий туйғулари, хусусан, одатий қайғу, чарчоқ, ёш боланинг инжиқлиги, кексаликдаги руҳий ўзгаришлар, айрилиқ алами ва келажакдан хавотирланиш энди шунчаки ҳиссиёт ёки ҳаётий босқич эмас, балки касаллик деб аталмоқда. Дорихона растасидаги ранг-баранг кичик бир таблетка ёки сироп эса унга ечим сифатида тақдим этилмоқда.

Хўш, аслида туйғулар бизга нега керак ва улар бостирилса, нима бўлади?

Инсон руҳиятида кераксиз ёки ортиқча туйғунинг ўзи йўқ. Оғриқ, хавотир, қайғу ва ғазаб – организм ва руҳиятнинг ўзига хос сигнализация тизими.

Қайғу ва алам йўқотишни англаш, оғриқни қайта ишлаш ва руҳан улғайиш учун зарур. Хавотир ва қўрқув хавф-хатардан огоҳлантирувчи ва бизни ҳушёрликка чорловчи табиий ҳимоя механизми. Ғазаб шахсий чегараларимиз бузилганини билдирувчи сигнал. Агар биз бу туйғуларни кимёвий воситалар билан тинмай бостираверсак, организмимиздаги «сигнализация»ни шунчаки ўчириб қўйган бўламиз. Оқибатда одам муаммонинг илдизи билан курашиш, ўз устида ишлаш, ҳаётий хатоларини англаш ва руҳан чиниқиш қобилиятидан маҳрум бўлади. Агар туйғулар доим кимёвий йўл билан бостирилса, руҳият ўз-ўзини тиклаш қобилиятини йўқотади. Бу эса янада чуқурроқ депрессияга, эмоционал фалажликка ва инсоннинг ўз «мен»идан бутунлай узилишига олиб келади.

Афсуски, фармацевтик таскин эндиликда жамиятимизнинг энг нозик қатламларигача чуқур кириб борди. Шаҳарларимизда ҳар қадамда учрайдиган қўзиқориндек кўпайган ва куну тун ишлайдиган дорихоналарга разм солинг. Уларда сақланаётган ва шифокор рецептисиз ҳам осонгина топиладиган турли-туман тинчлантирувчи, антидепрессант воситалар шунчаки тиббий эҳтиёж эмас, балки одамларнинг сабрсизлигини яширувчи кимёвий қалқонга айланиб бўлган. Аччиқ ва хавотирли томони шундаки, бу амалиёт гўдаклардан бошланяпти. Чақалоқ бироз кўп йиғласа, тиш чиқиши ёки қорни оғриши сабабли инжиқлик қилса, баъзи ота-оналар ва шифокорлар унинг физиологик эҳтиёжини англаш, эътибор ва меҳр бериш ўрнига дарҳол тинчлантирувчи сироплар, психотроп таркибли томчиларни ичиришга шошиладилар. Боланинг табиий, тилсиз норозилиги ёки оғриғи тиббий йўл билан бостирилади, ухлатиб қўйилади. Уйқусини ва ором олиш ҳуқуқини йўқотган ота-она учун бу қулай, аммо шаклланаётган мурғак асаб тизими учун зўравонликнинг ўзгинасидир.



Мактаб ёшига етганда бу ҳолат янада авж олади. Шўх, ҳаракатчан ёки бироз диққати бўлинган болаларга дарҳол гиперактивлик ёрлиғи ёпиштирилади ва уларни рамкага солиш учун кучли дорилар тайинланади. Ваҳоланки, боланинг ҳаракатчанлиги унинг соғлом ўсаётгани ва дунёни англаётгани аломатидир.

Йиллар ўтиб, бу занжирнинг иккинчи оғриқли нуқтаси кексаларимизда намоён бўлмоқда. Ёш улғайиши билан боғлиқ физиологик ва психоэмоционал ўзгаришлар, ёлғизлик ҳисси, қаровсизлик ёки оддий эътиборсизликдан туғиладиган инжиқлик ва тушкунликни тушуниш, улар билан дилкаш суҳбат қуриш ўрнига, фарзандлар томонидан осонгина антидепрессантлар ва кучли тинчлантирувчи воситалар тутқазилмоқда. Ота-онанинг меҳрга, самимий мулоқотга ва эътиборга бўлган эҳтиёжи фармацевтиканинг сунъий уйқу ва ҳиссизлик дорилари билан алмаштирилмоқда.

Кекса инсоннинг меҳр ва суҳбат сўраб қилган инжиқлигига бир пиёла чой устида дилдан гаплашиш ўрнига, тинчлантирувчи таблетка билан жавоб қайтариш оқибатсизликнинг энг замонавий ва хавфли кўринишидир. Асоссиз қабул қилинаётган тинчлантирувчи воситаларнинг оқибатлари ҳақида мутахассислар жиддий хавотир билдиришмоқда.

Психотерапевт ва неврологларнинг таъкидлашича, ҳар бир инсон ҳаётида қайғу, стресс ва хавотирли даврларни бошдан кечириши нормал физиологик жараёндир. Рецептсиз ва ўзбошимчалик билан қабул қилинадиган тинчлантирувчи ҳамда антидепрессант воситалар бош миянинг табиий динамикасини издан чиқаради. Дори қабул қилинганда мия сунъий равишда дам олади. Вақт ўтиши билан инсон дорига қарам бўлиб қолади, дорисиз на ухлайди, на тинчлана олади. Жигар ва буйракларга етказиладиган зарардан ташқари, шахснинг эмоционал интеллекти пасайиб боради.

Одамзод нега қайғуради, нега йиғлайди ва хавотирга тушади? Чунки бу ҳиссиётлар руҳий тозаланиш, ўсиш, атрофдагилар билан алоқа ўрнатиш ва ўзини англаш механизмларидир. Аммо замонавий фармо-жамият инсонга бу имкониятни беришни хоҳламаяпти. Дорихонадан олинган навбатдаги таблетка ёки сироп муаммонинг, безовталикнинг илдизини даволамайди, балки одамни ҳис қилмасликка ўргатади. Бу эса руҳий ва ижтимоий муаммони ҳал этмайди, шунчаки уни ич-ичига кўмиб, жамиятни сунъий ҳиссизлик ва эмоционал фалажлик ботқоғига итаради.

Энг хавфлиси, бу жараён секин-аста одамларни оилавий меҳр-оқибатдан, самимият ва психологик қўллаб-қувватлашдан маҳрум қилмоқда. Биз муаммони мулоқот, меҳр ва бағрикенглик орқали ҳал қилиш ўрнига, дарҳол кимёвий ёрдамчиларга суянишга, атрофимиздаги яқинларимизни ухлатиб ёки ҳиссизлантириб қўйишга одатланмоқдамиз. Бу билан фармацевтика гигантларининг тижорий манфаатлари ва сунъий равишда сингдирилаётган шовқинсиз ҳаёт стандартлари ортида инсонийликнинг асл илдизини ҳис қилиш, эшитиш ва ҳамдард бўлиш ҳуқуқини бой бериб қўймаяпмизми?

Агар жамият боланинг йиғисига, кексанинг инжиқлигига ва инсоннинг қайғусига табиий ва меҳр билан қарай олмаса, келажакда таблеткаларсиз бир-бирига тоқат қила олмайдиган, оғриқдан ва самимий ҳиссиётдан қочадиган роботлаштирилган авлодга тўқнаш келамиз. Ҳақиқий даво эса дорихона растасидаги кимёвий воситаларда эмас, балки одамларнинг бир-бирига эътиборида ва самимий меҳр-оқибатидадир.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Кафе, ресторан ва чойхоналарда кун бўйи тик оёқда туриб, баъзан тун ярмига қадар меҳнат қилаётган айрим официантлар расмий меҳнат муносабатларидан ташқарида қолишмоқда. Улар ишга қабул қилинган, аммо меҳнат шартномаси тузилмаган. Демак, меҳнат стажи ҳисобланмайди ва ижтимоий кафолатлар мавжуд бўлмайди.

Умид ХУДОЙҚУЛОВ
«ISHONCH»

«КЕЛИШИБ ИШЛАЙМИЗ...»

норасмий меҳнат ортидаги муаммолар

Умумий овқатланиш шохобчаларида ишловчилар орасида талабалар кўп. Улар учун дарсдан кейин ишлаб, қўшимча даромад топиш муҳим. Бир қарашда, бу ҳар икки томон учун манфаатли, яъни тадбиркорга арзон ишчи кучи керак, талабага эса даромад. Аммо меҳнат шартномаси тузилмаса, хавфлар кўпайиб боради. «Кечқурун ишга чиқаман, ишлаган куним учун ҳақ оламан» деган оғзаки келишув меҳнат ҳуқуқларини таъминламайди. Чунки расмий меҳнат муносабатларида иш ва дам олиш вақти, меҳнат таътили, меҳнатни муҳофаза қилиш, бахтсиз ҳодисалардан ҳимояланиш каби масалалар аниқ белгиланади. Расмийлаштирилмаган ишда эса ходимнинг ҳуқуқи йўқ ҳисоби.

Агар официант расман ишга қабул қилинмаган бўлса, унинг иш соатларини қайд этиш муаммога айланади. Натижада ходим белгиланганидан кўпроқ ишлаши, дам олишсиз қолиши ёки кечки иш вақти учун қўшимча тўловлардан маҳрум бўлиши мумкин. Талабаларнинг ўқишдан кейин ярим тунгача ишлаши эса уларнинг таълим олиши ва соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Норасмий ишда энг оғриқли жиҳатлар бахтсиз ҳодисалар юз берганда намоён бўлади. Расмий муносабатларда зарарни қоплаш иш берувчининг зиммасида бўлади. Норасмий ишда эса тадбиркор «у бизда ишламайди» деб масъулиятдан қочишга уринади.

Бундан ташқари, норасмий бандлик давлатнинг солиқ тизимига ҳам зарар етказади. Яъни тадбиркор ишчиларни расмий ҳисобда кўрсатмаслик орқали солиқлардан қочади. Бу эса амалдаги қонунлар асосида ишлаётган ҳалол тадбиркорлар учун адолатсиз рақобат муҳитини юзага келтиради.

Яна бир муҳим масала – тиббий кўрик. Умумий овқатланиш соҳасида ходимларнинг соғлиғи ва гигиенаси жамоат саломатлиги билан бевосита боғлиқ. Норасмий бандликда ходимлар тиббий кўриклардан деярли ўтказилмайди. Бундай ҳолатларда улар нафақат ўзлари, балки юзлаб мижозлар учун ҳам хавф туғдиришлари мумкин.

Албатта, барча кафе ва ресторан эгаларини норасмий иш берувчи сифатида айблаб бўлмайди. Қонун талабларига риоя қилаётган тадбиркорлар ҳам кўп. Ҳалол ишлаётган бизнес соҳиблари рағбатлантирилиши, норасмий ишчи кучидан фойдаланаётганлар эса жавобгарликка тортилиши лозим. Назорат органлари фақат уларнинг фаолиятини текшириш билан кифояланмай, тушунтириш ва ҳуқуқий саводхонликни ошириш ишларини ҳам олиб боришлари зарур. Айниқса, ёшларга расмий меҳнат муносабатларининг аҳамиятини англатиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Шуни унутмаслик керакки, меҳнат муносабатларида «келишиб ишлаймиз» деган гапга ўрин йўқ. Ишга кириш расмийлаштирилиши, ҳуқуқ ва мажбуриятлар аниқ белгиланиши шарт. Шундагина хотиржамлик ва барқарорлик бўлади.

ТАҲЛИЛ

ХОРИЖЛИК ПЕДАГОГ ТАЖРИБАСИ ФАҚАТ МАКТАБДА ҚОЛЯПТИМИ?

Баҳодир ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

Ҳисоб палатаси умумтаълим мактабларининг хорижий тил ўқитувчилари билан таъминланиши ва бу мақсадга ажратилган маблағлар самарадорлигини таҳлил қилган. Қайд этилишича, 2023-2024 ўқув йили якунига келиб, хорижий мутахассислар жалб этилган 500 та мактабда ўқувчиларнинг чет тилини ўзлаштириш даражаси ўртача 5 фоизда 15 фоизга ошган. Шу даврда халқаро тил сертификатига эга бўлган ўқувчилар сони 8 минг 951 нафарни ташкил этган. 2023 йилда бу кўрсаткич 5 минг 296 нафар бўлган. Яъни, бир йилда 1,4 баробар ўсиш кузатилган.

Демак, хорижий мутахассисларни жалб этиш айрим мактабларда самара берган. Бироқ масаланинг иккинчи томони ҳам бор. 2024-2025 ўқув йилида хорижий мутахассислар дарс берган Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги 33 та мактабда сертификат олган ўқувчилар умуман бўлмаган ёки уларнинг сони бор-йўғи бир нафарни ташкил этган.

ЧЕТ ЭЛЛИК БЎЛИШ – СИФАТ КАФОЛАТИМИ?

Мактабда дарс бериш учун тил билишнинг ўзи камлик қилади. Боланинг ёши, руҳияти, тайёргарлик даражаси, маҳаллий муҳит, синфдаги ўқувчилар сони, дарс методикаси, баҳолаш тизими – буларнинг барчаси натижага таъсир қилади.

Шунинг учун хорижий мутахассис мактабга келиб, маълум вақт дарс беришининг ўзи етарли эмас. Унинг тажрибаси мактабда қолиши керак. Масаланинг энг муҳим нуқтаси шу ерда. Фараз қилайлик, бир мактабда хорижлик ўқитувчи ўқувчилар билан яхши натижага эришди. Кейин шартнома тугади ва мамлакатдан кетди. Эртага мактабда ундан нима қолади? Агар ўқувчилари инглиз тилини яхши ўрганган бўлса, бу қисқа муддатли натижа.

Борди-ю, у билан бирга ишлаган маҳаллий ўқитувчилар замонавий дарс усулларини ўрганган, янги ўқув материаллари яратишни ўзлаштирган, гапиришга асосланган машғулотларни йўлга қўйган бўлса, бу ҳақиқий ислоҳот бўлади. Нега баъзи мактабларда натижа бор, баъзиларида йўқ?

Бу саволга тайёр битта жавоб йўқ. Чунки ўқувчининг тил ўрганишига ўқитувчидан ташқари кўплаб омиллар таъсир қилади. Қишлоқ мактабидаги ўқувчининг имконияти билан катта шаҳардаги ўқувчининг имконияти бир хил эмас. Бир жойда қўшимча тил курслари кўп, бошқа жойда эса ўқувчи инглиз тили билан фақат мактабда танишади.

Ўқувчининг оилавий муҳити ҳам муҳим. Интернет, рақамли таълим воситалари, китоб, қўшимча машғулотлар, тил ўрганишга бўлган ички қизиқиш – буларнинг ҳар бири натижага таъсир қилади.

«British Council» томонидан Ўзбекистон мактабларида ўтказилган «English Impact» тадқиқотида ҳам шунга яқин манзара кўринади. Тадқиқот 121 та мактабда 1 минг 331 нафар 10-синф ўқувчисини қамраб олган. Унда ўқувчиларнинг 68 фоизи умумий натижа бўйича A1, 21 фоизи A2 даражасига эришган. Ўқувчилар тинглаб тушуниш ва ўқишда гапириш ҳамда ёзишга нисбатан яхшироқ натижа кўрсатган. Шунингдек, шаҳар мактаблари ўқувчилари барча тил кўникмалари бўйича қишлоқ мактабларидагидан юқорироқ кўрсаткичларни қўлга киритишган. Бинобарин, муаммо фақат ўқитувчи қандайлигига эмас, балки ўқувчи қаерда, қандай муҳитда ва тизимда тил ўрганаётганига ҳам боғлиқ.

ПУЛ ЭМАС, НАТИЖА ҲИСОБГА ОЛИНИШИ КЕРАК

Инглиз тилини ўрганишда халқаро сертификат муҳим кўрсаткич. Айниқса, олий таълим ва меҳнат бозорида у қўшимча имконият беради. Лекин таълим сифатини фақат сертификатлар сони билан ўлчаш ҳам тўғри эмас. Бола инглиз тилида эркин фикрлай оладими? Матнни ўқиб, мазмунини англайдими? Хорижлик инсон билан оддий мулоқот қила оладими?


Мана шу саволлар ҳам натижанинг бир қисми. Акс ҳолда, сертификат учун тайёргарлик кучаяди, аммо тилнинг ўзи ҳаётий кўникмага айланмаслиги мумкин.

Ҳисоб палатаси хорижий мутахассислар билан шартнома тузишда аниқ мақсадли кўрсаткичларни белгилаш, уларнинг фаолиятини натижадорликка йўналтириш ва KPI кўрсаткичларини жорий этишни тавсия қилган. Масалан, хорижлик ўқитувчи жалб этилган мактабда унинг бир йиллик фаолиятидан кейин ўқувчиларнинг тил даражаси қанчага ошгани, халқаро ва миллий сертификат олганлар сони ҳамда хорижлик мутахассиснинг иш услуби мактабда қанчалик сақланиб қолганига аниқ жавоб бўлиши керак.

ЭҲТИЁЖНИ КАМАЙТИРИШ КЕРАК

Бу фикр бир қарашда ғалати туюлиши мумкин. Аммо яхши ислоҳотнинг энг катта ютуғи унга бўлган эҳтиёжни аста-секин камайтиришдир. Бугун хорижлик мутахассис бизга керак. Эртага эса у тайёрлаган маҳаллий мутахассисларнинг ўзлари шу вазифани бажара олишлари зарур. Шунинг учун ҳар бир хорижлик ўқитувчининг ёнига тажрибали маҳаллий ўқитувчини бириктириш, уларнинг биргаликда дарс ўтиши, очиқ дарслар ташкил этиши, услубий материаллар тайёрлаши, бошқа ўқитувчилар учун семинарлар уюштириш фойдали бўлар эди. Шунда хорижлик мутахассиснинг тажрибаси бир синф ёки бир мактаб билан чекланмасдан, бутун туманга тарқалади. Биз эса уларни жалб қилишдан кўзланган асосий мақсадга ҳам эришамиз.

2023-2024 ўқув йили якунига келиб, хорижий мутахассислар жалб этилган 500 та мактабда ўқувчиларнинг чет тилини ўзлаштириш даражаси ўртача 5 фоиздан 15 фоизга ошган. Шу даврда халқаро тил сертификатига эга бўлган ўқувчилар сони 8 минг 951 нафарни ташкил этган. 2023 йилда бу кўрсаткич 5 минг 296 нафар бўлган. Яъни, бир йилда 1,4 баробар ўсиш кузатилган.



Эълон

Жиззах вилояти Адлия бошқармаси томонидан 2012 йил 13 ноябрда давлат рўйхатидан ўтказилган «MAXIMUM LOMBARD» МЧЖ (СТИР: 302419417)нинг юридик манзили – Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, «Бўстон» МФЙ, Талабалар кўчаси, 27-уйдан Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, «Ц» мавзеси, 37-уй, 17-хонадонга ўзгаргани маълум қилинади.

Низомий номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университети ректорати ва таълим муассасаси касаба уюшмаси университетнинг Ҳарбий таълим факультети доценти
Абдуҳошим Юлдашович СОТВОЛДИЕВ
вафот этгани муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay’ati raisi),
Ulug’bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G’OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV *(Bosh muharrirning birinchi o‘rinbosari),*
Mehriddin SHUKUROV *(Mas’ul kotib – «Ishonch»),*
Valentina MARSENYAK *(Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo‘limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti **– (71) 256-64-69**
Huquq va xalqaro hayot **– (71) 256-52-89**
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport **– (71) 256-82-79**
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash **– (71) 256-85-43**
Marketing va obuna **– (71) 256-87-73**

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog’iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg’ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:
Alijon ABDURAHMONOV

Musahhih:
Dilorom XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:
Hasan ABDUJALILOV

Bosishga topshirish vaqti – 23:20
Topshirildi – 23:50

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning **seshanba, payshanba va shanba** kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
E-mail:
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko‘rsatkichi: **133**

Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga bosmaxona mas’ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 038 ta
Shundan: 6 508 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uyda;

19 339 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –
Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uyda;

9 191 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
Marg’ilon shahri, Turkiston ko‘chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq. **Buyurtma: G-911**
1 2 3 4 5 6